

Риёзус солиҳийн (болалар учун) / Риёзус солиҳийн (болалар учун) / 8-ҳадис

8 - عَنْ ابْنِ عَبَّاسٍ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ قَالَ: قَالَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ: «نِعْمَتَانِ مَعْبُودٌ فِيهِمَا كَثِيرٌ مِنَ النَّاسِ: الصِّحَّةُ وَالْفَرَاغُ» رَوَاهُ الْبُخَارِيُّ.

Ибн Аббос розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

Расулulloҳ соллalloҳу алайҳи васаллам:

«Икки неъмат борки, у ҳақда кишиларнинг кўпчилиги бебаҳра қолишади. Сихҳат-саломатлик ва бўш вақт», дедилар.

Имом Бухорий ривоятлари.

Шарҳ: Аллоҳ бандаларига ато қилган неъматлари кўп ва турли-тумандир. Гоҳида инсон ато этилган неъмат қийматини уни йўқотгачгина ҳис қилади. Масалан соғлик неъматини бўлиб, уни киши бошидаги тож дейилади. Унинг қадрига фақат беморлар етади холос. Ушбу ҳадисда Набий соллalloҳу алайҳи васаллам соғлик ва бўш вақтни инсонга ато қилинган энг катта неъмат дея баҳоламоқдалар. Шу билан бирга, агар ушбу неъматлардан унумли фойдаланмаса, ўзини кўп яхшиликлардан маҳрум этишини уқтирмақдалар.

Ҳадисдан ўрганганларимиз

1. Мусулмон наздида вақт аҳамиятли бўлиб, у катта неъматдир.
2. Кўпгина одамлар вақт қадрига етмайди.
3. Соғлик неъмат бўлиб, уни сақлаш ва қадрлаш, ғанимат билиш даркор.
4. Вақтингдан унумли фойдаланишга ошиққин, мажбуриятлар вақтга нисбатан кўпроқ эканини билгин.



HADIS.ISLOM.UZ
NUBUVVAT MARVARIDLARI